БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 73 (4172)
29 МАРТ, 1980 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Шаҳар индустрияси рапорти*

КВАРТАЛ ПЛАНИ ТАЙЁР!

Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналарининг коллективлари

КЕЧА

маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларининг аксарият турларини ишлаб чиқариш бўйича 1980 йил биринчи квартали давлат плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар.

Шу кунларда саноат корхоналари коллективларидан январь-март ойлари топшириқларининг муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларидан шахсий беш йиллик планларини адо этганликлари ҳақида олинаётган рапортлар шаҳар ишлаб чиқариш коллективларида КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик муносабати билан ҳукм сураётган юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилигидан далолат беради.

Ленинча зарбдор вахтада «Ташсельмаш», чинни, шампан винолари заводларининг, 4-дон маҳсулотлари комбинатининг меҳнатчилари катта муваффақиятларга эришдилар.

Шаҳар саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, шартномаларда битилган мажбуриятларини муваффақиятли адо этиб, қолоқ корхоналар, цех, участка ва бригадаларсиз ишлаш учун курашни кучайтирмоқдалар.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ҒОЛИБЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАР!

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРИНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИНИ, ФАН ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ШУҲРАТИ КИТОБИГА ЁЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганликлари ҳамда 1979 йилги иқтисодий ва социал ривожлантириш планини муваффақиятли бажарганликлари, маданият, фан ва техника соҳасидаги жуда катта муваффақиятлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Меҳнат шуҳрати китобига ёзилсин:

1. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё ва Тошкент областлари.

II. Шаҳарлар ва районлар (дипломлар ҳам берилади):

Бухоро, Марғилон, Самарқанд, Тошкент шаҳарлари, Оқолтин, Бўз, Бўка, Ғиждувон, Дўстлик, Калинин, Қарши, Косонсой, Ленин йўли, Самарқанд, Ўзбекистон, Хонқа, Хўжайли районлари.

III. Коллективлар (дипломлар ҳам берилади):

Ўрта Осиё темир йўли;

Октябрь революцияси ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени К. Е. Ворошилов номли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи;

Ўрта Осиё қўмир қазиш ишлаб чиқариш бирлашмаси (Тошкент шаҳри);

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигига қарашли «Илғор» якка буюртма ва пойафзал ремонти ишлаб чиқариш бирлашмаси (Тошкент шаҳри);

«Главташкентстрой»га қарашли Тошкентдаги «Ҳурмат Белгиси» орденли 1-уйсозлик комбинати;

Тошкентдаги 4-нон маҳсулотлари комбинати;

Тошкентдаги шампан винолари заводи;

«Сельтранспецстрой» тресги (Тошкент шаҳри);

«Ташсантехгазмонтаж» трести (Тошкент шаҳри);

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг «Гордорстройремонт» трести;

IV. Ишлаб чиқариш илғорлари, маданият, фан ва техника арбоблари (гувоҳнома ҳам берилади):

Акромхўжаев Обид Муротович — СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, нефть ва газ конлари геологияси ва уларни разведка қилиш институтининг директори;

Алимуҳамедов Неъмат Ҳусанович — СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори;

Бобожонов Тошпўлат Лепесович — СССР Давлат мукофоти лауреати, дала ва кон геофизикаси идорасининг директори;

Иброҳимов Абдужаббор — СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон нефть ва газ разведкаси ишлаб чиқариш геология бирлашмасининг бош геологи;

Ильин Владимир Давидович — СССР Давлат мукофотининг лауреати, Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот геология-разведка нефть институтининг мудири;

Таль-Вирский Борис Борисович — СССР Давлат мукофоти лауреати, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети кафедраси мудири;

Томский Николай Васильевич — СССР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ рассоми;

Тўлаганов Ҳабибулла Тўлаганович — СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР геология министри;

Ҳожиматов Абдулло — СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон нефть ва газ разведкаси ишлаб чиқариш-геология бирлашмаси Муборак нефть ва газ разведка экспедициясининг пармалаш мастери;

Цховребов Григорий Иванович — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг самолёт командири;



Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида В. И. Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага кўплаб ишчилар қўшилган. Улар сафида корхонанинг ёш, илғор ишчилари Г. Наврўзбоева ва М. Мусахўжаева (суратда чапдан-ўнгга) ҳам бор. Бу илғорлар ҳозир смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариб, вақтдан ўзган ҳолда меҳнат қилишяпти.

ЛЕНИНЧАСИГА, КОММУНИСТЧАСИГА ИШЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

СОВЕТ ҚИШИЛАРИГА КЎПРОҚ ШИНАМ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИБ БЕРАЙЛИК

ТОШКЕНТ УЙСОЗЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган қарорда шу нарса зўр мамнуният билан қайд этилдики, «Главташкентстрой»га қарашли Тошкентдаги «Ҳурмат Белгиси» орденли 1-уйсозлик комбинати илғор бригадалари коллективлари шу комбинатнинг ўртоқ Орипов бошлиқ бетончилар бригадасининг беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Шунинг натижасида уларнинг кўпчилиги ҳозирдаёқ ўнинчи беш йиллик топшириқларини адо этдилар, бу эса комбинатнинг тўрт йиллик планга қўшимча равишда 55 минг квадрат метр уй-жой топширишига, 7200 иш кунини тежаб қолишига имкон берди.

И. Х. Орипов, А. И. Борисенков, С. А. Саматов, В. В. Марков, Г. М. Асфандиёров, Г. Л. Моргунов, В. А. Галкин, А. А. Эрматов, В. Д. Грох ва К. Каримов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари ана шу ватанпарварлик ташаббусини ривожлантириб, Ўзбекистоннинг барча қурувчиларига мурожаат этиб, мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлашга ва 1980 йилни ленинчасига, коммунистчасига ишлаш билан нишонлашга, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилишга даъват этадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкентдаги «Ҳурмат Белгиси» орденли 1-уйсозлик комбинати илғор бригадаларининг беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш ташаббусини маъқуллади.

Ўзбекистон Компартияси область, шаҳар ва район комитетларига тошкентлик уйсозларнинг ташаббусини барча қурилиш ва монтаж ташкилотларида муҳокама этиш, уйсозлик комбинатлари ва қурилишларда беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажариш ва шу асосда уй-жой қурилишини ҳар томонлама жадаллаштиришга ва 1980 йилда ишга туширилади ган объектлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишига эришиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш топширилди.

Тошкентдаги «Ҳурмат Белгиси» орденли 1-уйсозлик комбинати бригадирларидан бир группаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига мактуб билан мурожаат қилди. Мактубда жумладан, бундай дейилади:

Корхонамиз ишчилари, инженерлари, техниклари, хизматчилари комбинат КПСС Марказий Комитети, СССР Министолар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан сурункасига иккинчи марта мукофотланганлиги тўғрисидаги хабарни алоҳида ифтихор туйғуси билан кутиб олдилар. Биз бу мукофотни партиямиз отаоларча ғамхўрлигининг яна бир ифодаси деб биламиз ва меҳнатимизга берилган юксак баҳога совет кишилари фаровонлигини ўстириш, совет кишисининг турмуш шароитларини яхшилаш йўлида янги-янги муваффақиятлар билан жавоб қайтаришга азму қарор берганмиз.

Республикамиз пойтахтини социал-иқтисодий ривожлантиришдан иборат ғоят муҳим вазифани ҳал этишда — тошкентликларни шинам уй-жой билан таъминлашда иштирок этаётганлигимизни англаб, бу билан фахрланамиз. Комбинат беш йиллигининг тўрт йили мобайнида 1.141,1 минг квадрат метр, шу жумладан планга қўшимча равишда 50 минг квадрат метр уй-жой саҳнини фойдаланишга топширди.

Илғор коллективлар ва ишлаб чиқариш пешқадамларининг ватанпарварлик ташаббуслари комбинатимизда кенг оммалашмоқда. 43 бригада Н. Злобин методи асосида ишламоқда, қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмининг қарийб 80 процентини ана шу бригадалар бажарди. Ўнинчи беш йиллик бошида йирик панелли уйсозлик заводининг СССР Давлат мукофоти лауреати Исмоил Орипов бошлиқ бетончилар бригадаси «беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажарамиз» деган ташаббусини бошлаган эди. Ишчилар коллективи ўз сўзини шараф билан адо этди. Бригада 1979 йил 1 декабрда беш йиллик топшириқ бажарилганлиги тўғрисида рапорт берди ва ҳозир 1981 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Мусобақа пешқадамларининг Ватанимиз меҳнаткашлари фаровонлигини ошириш юзасидан КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини рўёбга чиқариш тўғрисидаги ташаббуси бутун коллективнинг яхшироқ меҳнат қилишига ёрдам берди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар Бауман округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида: «Башарти одамлар дадил ишга киришсалар, ташаббусга имконият яратсалар, амалий янгиликларни қўллаб-қувватласалар муваффақият таъминланган бўлади», деб нақадар доно ва илҳомбахш сўзларни айтди.

Биз, Тошкентдаги, 1-уйсозлик комбинатининг А. А. Эрматов, В. Д. Грох, А. И. Борисенков, С. А. Саматов, Г. М. Асфандиёров, Г. Л. Моргунов, В. А. Галкин, В. В. Марков ва К. Каримов бошчилигидаги бригадаларнинг ишчилари И. Х. Орипов бригадасининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат жараёнларини моҳирлик билан ташкил этиш ҳисобига беш йиллик планидан ташқари 1 миллион 290 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этиш, 4 минг куб метр йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш, 250 тонна арматура қаркаслари тайёрлаш мажбуриятини қабул қиламиз.

Биз ана шу ташаббусни тобора оммалаштириш ва ривожлантириш ишимизнинг сифати ҳамда самарадорлигини яна ҳам юқори кўтариш, кўшимча равишда 10 минглаб квадрат-метр шинам уй-жойларни фойдаланишга топшириш ва шу билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси республикада уй-жой қурилишини яхшилаш тўғрисида қабул қилган қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш имконини беради, деб ишонтирамиз.

Биз Ўзбекистоннинг барча қурувчиларини коллективимизда юзага келган ташаббусни қўллаб-қувватлашга, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги байрам қилинадиган 1980 йилни ленинчасига, коммунистчасига ишлаш билан нишонлашга, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилишга даъват этамиз.

А. А. ЭРМАТОВ,
А. И. БОРИСЕНКОВ,
Г. М. АСФАНДИЁРОВ,
В. А. ГАЛКИН,
К. КАРИМОВ.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетида

Шаҳар 1 Майга тайёрланмоқда

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров раислигида Тошкентда 1 Май меҳнаткашлар ҳалқаро бирдамлиги кунига тайёргарлик бўйича шаҳар байрам комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда шаҳарда 1 Майни нишонлашга актив тайёргарлик бошлаб юборилганлиги таъкидланди. Шаҳарни безатиш ҳамда республика пойтахти меҳнаткашларини вакилларининг байрам намойишини ўтказиш бўйича планлар ишлаб чиқилди. Районларда, меҳнат коллективларида 1 Майга тайёргарлик В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги, яқинлашиб келаётган коммунистик шанбаликка бағишланган тадбирлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўтказиляпти.

В. И. Ленин Марказий майдонини, магистраллар, хиёбонлар кўча ва майдонларни намойишчилар колонналарини бадий-сиёсий безатишда байрамнинг асосий мавзуи — империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда меҳнаткашлар халқаро бирдамлиги образли ифода этилади. КПСС-нинг социализм мамлакатлари жипслиги, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати, барча антиимпериалистик кучларнинг бирлиги учун кураши ёркин акс эттирилади. КПСС ва совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсати муваффақиятлари кенг аксини топади.

Байрам безатилиши В. И. Ленининг, у яратган Коммунистик партиянинг мамлакатимизда революцион ўзгартишларда ўйнаган буюк ролини, совет халқининг коммунизмни бунёд этишдаги улкан муваффақиятларини ифода этади. Плакат, панно ва транспарантлар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақада пойтахт меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар, меҳнат коллективларининг Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун кураши. Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг, барча совет халқининг КПСС ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватлаётганликлари, уларнинг партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига жипслашганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Тошкентликлар партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленумида, унинг Москва шаҳри Бауман округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқларида қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этмоқдалар. Бу мавзу бадиий-сиёсий безатишда ўзининг ёркин ифодасини топади. Район меҳнат коллективларининг ғалабанинг 35 йиллигига, КПССнинг навбатдаги XXVI съездига тайёргарлик бораётгани меҳнат рапортлари, беш йилликнинг якунловчи йилида тошкентликлар эришаётган муваффақиятлар акс эттирилади.

В. И. Ленин номи билан аталувчи Ўзбекистон пойтахтининг Марказий майдони байрам тусини олади. Намойишчилар Тошкент байроғи билан бирга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқларини олиб ўтадилар. Бу байроқлар Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақаларида юксак натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон пойтахти ва Тошкент меҳнат коллективларига берилган эди.

1 Май арафасида корхоналарда, муассаса ва ўқув юртларида тантанали йиғилишлар бўлиб ўтади. Шаҳарни минглаб байрам чироқлари безайди. Оммавий халқ сайллари, байрам концертлари бўлади.

Комиссия 1 Майга тайёргарлик бўйича бир қатор ахборотларни тинглади, Тошкент шаҳрида меҳнаткашлар халқаро бирдамлиги кунини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни тасдиқлади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1980 йилда дағал ва ширали ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини ошириш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ўртоқ Янош Кадарни Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари лавозимига сайланганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан ва шахсан ўз номидан самимий табриклайди.

Коммунистик шанбаликка майёргарлик кўриш шаҳар штабининг матбуот маркази хабар беради

● **Бир тан бир жон бўлиб.** Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳримиздаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бирлашма коллективи москваликларнинг 19 апрелда Коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Мавжуд цехларда, заводларда меҳнат байрамини ўтказишга бағишланган митинглар бўлиб, унда коллективлар коммунистик шанбалик программасини белгилаб олишди.

— Меҳнат байрамига,— дейди бирлашма партия ташкилотининг секретари Акмал Абралов,— икки мингга яқин киши бир тан, бир жон бўлиб чиқади. Улар шу куни юксак унум билан меҳнат қилишиб, 320 тонна ёки бошқача қилиб айтганда, 80 минг сўмлик нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқарадилар.

Шанбалик программасига ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам талай ишлар киритилган. Жумладан, мавжуд территориялар ободонлаштирилиб, бу ердаги 500 туп гул, 1000 туп бута ва дарахт кўчатлари ўтказилади. Шунингдек, бинолар, деворлар оқланиб, кичик ремонт ишлари амалга оширилади. 50 тонна металл йиғилиб, ўнинчи беш йиллик фондига 800 минг сўмлик иш ҳақи ўтказилади.

● **Беш йиллик фондига.** Тошкентдаги энг кенжа Сергели районининг меҳнаткашлари Коммунистик шанбалик куни ўнинчи беш йиллик фондига 45 минг сўмлик маблағ ўтказадилар. Бу муҳим ишга 243-граждан авиацияси, қўёш тўқиш мосламалари, ва темир-бетон конструкциялари заводлари, «Ташпромстрой» трести коллективлари катта ҳисса қўшадилар. Шунингдек, Сергелидаги авиа бўлинма ходимлари ҳам яқдил бўлиб шанбаликка чиқишади. Тошкент авиабўлинмасининг учувчилари шу куни тежаб қолинган ёнилғи ҳисобига самолётларни бошқарадилар.

Коммунистик шанбаликда умуман 30 мингдан зиёд киши қатнашади. 14,5 минг киши ўз иш жойларида меҳнат қилади. Бошқалар эса ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан шуғулланадилар. «Қизил шанбалик» куни райондаги боғ ва хиёбонларга 30 мингдан зиёд дарахт, гул, бута, кўчатлари ўтказилади. 20 минг погон метрга яқин ирригация шаҳобчалари бунёд этилади.

● **Якдиллик билан.** «Узбекгельмаш» заводида бўлиб ўтган йиғилишда корхона коллективи ягона хулосага келди. Коммунистик шанбалик куни ҳамма ҳудди бир кишидек ишга чиқишга қарор қилинди. Шанбаликда уч мингдан зиёд ишчи ва хизматчи қатнашади. Шу куни 80 минг сўмликдан зиёд юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилади. Яъни 20 та чигит экиш сеялкаси, 10 та гербицид сепиш мосламаси тайёрланади. Шунингдек, пахтачиликда қўлланиладиган машиналар учун 5 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Республиканинг таниқли адиби ва жамоат арбоби Назир Сафаров 75 ёшга тўлди. Ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери унинг қалами партия ва халқ ишига хизмат қилмоқда.

Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати бўлган ёзувчи шу кунларда Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини янги илҳомбахш сатрлар билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда.

28 март куни Ўзбекистон жамоатчилигининг вакиллари, қардош республикалардан келган адабиёт арбоблари юбилярни самимий табрикладилар. Шу куни улар Тошкентдаги Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри залига Н. Сафаров туғилган кунининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кечага йиғилдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева кириш сўзи билан кечани очди. Филология фанлари доктори, профессор Ҳ. Ш. Абдусаматов Назир Сафаровнинг ижоди ҳақида доклад қилди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республика Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари К. Яшин, ижодий ташкилотлар, меҳнаткашлар коллективларининг вакиллари халқ ёзувчисини самимий табрикладилар.

Кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Тошкентнинг якшанба куни

● ИШДАН КЕЙИН

Ассалом, «Саратон»!

Тошкентликлар билан тўла ўнлаб автобуслар қисқа сигнал чалиб, завод дарвозалари олдидан туристик базалар ва дам олиш уйларига жўнаб кетди.

Уларнинг аксарияти Чимёндаги прокат пунктларидан чанғи, чаналар олиб «Саратон» деб номланган спорт байрамида иштирок этишлари мумкин. Шу кунларда Тошкентдан 70 километр масофада тоғли Хумсон қишлоғида жойлашган В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Кристалл» дам олиш базаси ҳам гавжум бўлади. «Главташкентстрой» трести бўлинмаларининг қурувчилари ҳам дам олиш уйларига жўнаб кетдилар. «Ташсельмаш» заводининг кўплаб ишчилари ўз дам олиш кунларини янги профилакторийда ўтказадилар.

Шу йилнинг шанба ва якшанба кунлари фақат ташкилотларга қарашли 60 дам олиш базасида 70 мингга яқин ҳамшаҳарларимиз ҳордиқ чиқаради.

Каникул қувноқ ўтмоқда

Тошкентлик ўқувчилар баҳорги каникулининг сўнгги кунлари қизиқарли ва сермазмун ўтмоқда.

Эртага шаҳар маданият ва истироҳат парклари ўқувчилар билан айниқса гавжум бўлади. В. И. Ленин номли болалар паркига ташриф буюрган кичкинтойлар ўзларини эртаклар оламига кириб қолгандек ҳис этадилар. Эртаклардагидек безатилган «Болалар» кафеси, олтин балиқлар сузиб юрган фавворалар ва аквариумлар катталарни ҳам, кичкинтойларни ҳам ўзига жалб этади.

Тельман номли маданият ва истироҳат боғида болаларнинг шўх овозлари, кулгилари оқшомгача тинмайди. Чехословакиялик дўстларимиз ўнлаб ажойиб аттракционлардан иборат «Оймома боғ» эшикларини яна очдилар. Болалар поезди, автодром, кўғирчоқлар темир йўли, тасодифлар хонаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Болаларнинг анъанавий «Китоб ҳафталиги» байрами ҳам кўплаб ўқувчилар диққатини ўзига жалб этмоқда. Бугун ва эртага шаҳар кинотеатрларида китобсеварларнинг шоир ва ёзувчилар билан учрашувлари, тематик кечалар бўлиб ўтади. Кўчаларда, хиёбонларда, парк ва майдонларда очилган китоб бозорлари ниҳоятда гавжум.

● ОИЛАВИЙ БАЙРАМЛАР

Олтин, кумуш ва ҳоказо

Район ЗАГСлари бугун 3 оптин ва 12 кумуш тўйларини рўйхатга олдилар.

«Ўзбексельмаш» заводининг слесари Василий Николаевич Пестишев ва унинг рафиқаси уй бекаси Анна Александровна биргаликда ҳаёт кечираётганларига ярим аср тўлганлигини шодиёна нишонладилар. Уларнинг ҳар иккаласи Улуғ Ватан урушининг иштирокчилари, жуда кўп жанговар ва меҳнат мукофотларининг кавалерларидир. Беш фарзанди катта қилишди, уларнинг ҳаммаси олий маълумотли бўлди. Ҳозир пенсия гаштини сураётган эр-хотин Пестишевлар ўн олти нафар набираларини тарбияламоқдалар.

Жами шанба куни ўн мингдан зиёд тошкентликлар никоҳ тўйларини, фарзанд туғилишини нишонладилар.

● ҚУРГАЗМА ЗАЛИДА

Таҳсинга сазовор

Ҳамшаҳарларимиз орасида истеъдодлилар жуда кўп. Буни Ўзбекистон рассомлар союзининг кўргазмалар залида бўлганингизда айниқса ёркин ҳис этасиз.

Куни кеча бу ерда ёш талантлар асарларининг бу йилги биринчи республика виставкаси очилди. Виставка жонажон Ватанимизга бағишланган. Катта залда иккинчи мингга яқин экспонат — ёғоч ўймакорлигидан тортиб ганч ўймакорлигигача бўлган асарлар ўрин олган.

Бугун эрталабдан бошлаб виставка ташкилотчилари томошабинларни кутиб ола бошладилар. Л. Чайка, З. Рамазонова, И. Жамолбоев ва бошқа ўқувчиларнинг иши кўпчилик таҳсинига сазовор бўлмоқда.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш

ИККИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КЎЧАТ ВА ЯШИЛ ТУСИҚ ЎТҚАЗИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 28 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(биринчи устун—районлар ва шаҳар ижроия комитети бошқармалари; иккинчи устун—ўтқазилган кўчатлар (минг туп); учинчи устун — ўтқазилган яшил тўсиқлар (минг туп); тўртинчи устун—планнинг бажарилиши (процентларда)

Ленин райони	21,0	55,7	101,5
Собир Раҳимов	22,0	54,6	101,4
Куйбишев	21,5	54,3	100,5
Октябрь	21,0	54,5	100,0
Киров	22,0	51,4	97,2
Сергели	19,3	53,4	96,0
Ҳамза	21,2	56,6	94,9
Чилонзор	21,5	49,6	94,1
Фрунзе	19,8	50,4	93,6
Акмал Икромов	20,1	47,6	89,6
Шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси	17,8	20,6	16,0
Маданият бошқармаси	10,0	28	115
Савдо бошқармаси	8,0	25,0	106
Умумий овқатланиш бошқармаси	9,1	23,5	105
Уй-жой бошқармаси	10	23	100
Сув хўжалиги бошқармаси	8,0	22,0	96
Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси	5,8	22,7	95
Бошқармалар бўйича	112,0	300,5	94,8
Шаҳар бўйича	364,6	936,7	100

МАЪЛУМОТ ШАРҲИ: Куйбишев районидан кейин Ленин, Собир Раҳимов ва Октябрь районларининг меҳнаткашлари ҳам кўчат ўтқазиш планини бажардилар. Шаҳар бўйича ҳам кўчат ўтқазиш плани бажарилганига қарамай, кўпчилик ташкилотларда кўкаламзорлаштириш ишларининг бошланғич қисмидир. Энди-ликда бу дов-дарахтларнинг тезкор кўкаришини таъминлашдек масъулиятли ишлар олдинда турибди.



ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

Ленинча меросни ўрганиб

Районимиздаги партия, комсомол маорифи, иқтисодий таълим системасида, пропагандининг оммавий формаларида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини, КПССнинг бой тарихий тажрибасини шу кунининг конкрет иқтисодий ва сиёсий вазифаларини ҳал этиш билан узвий боғлаб чуқур ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Район саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари ва муассасаларида ҳар ойда мунтазам ленинча ўқишлар ўтказилаяпти. Энг яхши лекторлар, олимлар меҳнат коллективлари ҳузурида мароқли суҳбатлар ўтказишяпти.

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб қизиқарли илмий-назарий конференциялар, очиқ дарслар ўтказилди. Масалан, «Ленинизм буюк ғояларининг тантанаси» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Тўпланганлар ҳузурида район партия комитетининг секретари М. Х. Умаров сўзга чиқди. Шундан сўнг фалсафа фанлари доктори, профессор С. Ф. Турсунмуҳамедов «Ленин ишчи синфининг етакчилик роли ҳақида» доклад қилди. Шунингдек, тўпланганлар тарих фанлари доктори, профессор Абдусалом Маҳсудович Йўлдошевнинг «КПСС ташқи сиёсатининг ленинча принциплари амалда» мавзуидаги докладини ҳам зўр қизиқиш билан тингладилар.

Конференцияда ҳозирги босқичдаги экономика тараққиётининг актуал масалалари ва ленинча иқтисодий стратегия, мамлакатимизда миллий масалани ҳал этиш борасида ленинча ғоялар тантанаси ва бошқа бир қатор масалалар юзасидан қизғин фикир алмашинди.

Тошкент тўқимачилик комбинатида доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан бўлиб ўтган илмий-назарий конференция «В. И. Ленин меҳнатга коммунистик муносабат ва социалистик мусобақа тўғрисида» мавзуига бағишланди. Шуниси характерлики, бу ишга районнинг корхоналари, ташкилотларини н и г моҳир пропагандистлари жалб этиляпти. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлиб ўтган конференциянинг тайёрлашда партия маорифи системасининг тингловчиларидан Г. Михайлов, С. Осмонова, Л. Чўватоваларнинг рефератларидан фойдаланилди. Уларда В. И. Ленинниг социалистик мусобақа, социалистик демократия, меҳнаткашларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш борасидаги қимматли фикр-мулоҳаза л а р и келтирилган.

Ёки «Таштекстильмаш» заводида В. И. Ленин биографиясини ўрганиш бўйича курсда ўтказилган очиқ дарсни олиб кўрайлик. «В. И. Ленин—жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси» мавзуига бағишланган бу очиқ дарсда партия ва комсомол маорифи системасининг бошланғич ва ўрта звено пропагандистлари актив иштирок этишди. Пропагандист Р. Миртолипов машғулотда кўргазмали ва техника воситаларидан самарали фойдаланди. Тингловчилар амалий топшириқларни бажаришди. Тингловчи Ш. Ваҳобов В. И. Ленин юбилейи шарафига социалистик мусобақа қандай бораётгани ҳақида гапириб берди.

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг моҳир пропагандисти Василий Александрович Дмитриев ҳам машғулотларни кундалик ҳаёт билан, коллектив олдида турган вазифалар билан боғлаб олиб боради. Ўн йилдан буён пропагандистлик қилиб келаётган В. Дмитриев шу кунларда ленинча тематика бўйича ўтказилаётган тадбирларда актив қатнашяпти.

Унинг бевосита иштироки ва ёрдами билан қўлгина мароқли лекция, суҳбатлар, конференциялар тайёрланди. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб «Ленинчасига, коммунистчасига яшаймиз, ишлаймиз ва ўқиймиз» шиори остида ленинча ўқишлар ўтказилянти.

Олий, ўрта махсус ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа-конструкторлик бюролари, умумтаълим мактабларида В. И. Ленинниг «Коммунизмда болаларча сўллик касали» асарининг нашр этилганига 60 йил тўлишига бағишлаб илмий-назарий конференциялар ўтказишга тайёргарлик кўряпмиз. Пропагандистларнинг вазифаси шундан иборатки, улар тингловчиларга ленинча ғояларининг буюк кучини, бу ғоялар тантанасини ўз коллективларининг кўп қиррали фаолияти билан, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш вазифалари билан боғлаб ёркин тушунтиришлари керак. Биз асосий эътиборни шунга қаратяпмиз. Токи, ҳар бир коммунист, меҳнатчи партиямиз XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ курашига қўшаётган ҳиссасини янада бойитсин ва бу масъулиятли курашда ўз бурчини тўла ҳис этсин.

С. КАРИМОВА,
Фрунзе район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Ленин тўғрисида лекция

ВЬЕНТЬЯН. Жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси КПСС ва совет давлатининг асосчиси туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб Лаос Халқ Демократик Республикасида Ленин ҳақида лекциялар ўқий бошланди.

Чинакам халқ йўлбошчиси, биринчи гоялибона социалистик революциясининг раҳбари, янги типдаги пролетар партиясининг асосчиси, оташин революционер В. И. Ленин юбилейини барча меҳнат аҳли таътана билан нишонлайди. Чунки Ленин бутун ҳаёти ва фаолятини тамомила мазлум халқларнинг социал озодлиги учун, инсониятнинг порлоқ идеаллари учун курашга бағишлаганди, деди Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Лаос-Совет Дўстлиги Жамияти Президиумининг Раиси Кҳамсук Сайнасенг ТАСС мухбири билан суҳбатда.

Меҳнаткашлар ташаббуси

БРАТИСЛ А В А. Мартиндаги оғир машинасозлик заводи ва Трен-чиндаги «Словакотекс» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли тўқимачилик корхоналари коллективлари Чехословакия фашист босқинчилардан озод этилганлигининг 35 йиллигини зарбдор меҳнат билан кутиб олиш ташаббусини бошладилар. Шу корхоналарнинг меҳнаткашлари Совет Иттифоқига экспорт қилиш планини 1980 йилнинг биринчи ярмида 55 процент қилиб бажариш, СССРга юбориладиган маҳсулотнинг сифатига алоҳида эътибор бериш мажбуриятини олган.

Словакия Социалистик Республикаси саноат министрлигида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, бу ташаббусни тарихий сана шарафига меҳнат вахтасида турган Словакия саноат корхоналарининг кўпгина коллективлари қўллаб-қувватладилар. Дастлабки икки ой ичида СССРга экспорт қилиш плани министрликнинг барча корхоналарида анча ошириб бажарилди.

ЮГОСЛАВИЯДА БИРИНЧИ

БЕЛГРАД. Иирик нефть тозалаш комплекси барпо этилаётган Адриатик денгизидаги КРК ороли билан қитъани бирлаштирувчи икки километрли осма кўприк қурилмоқда. Югославия кўприксозлиги практикасида биринчи марта катта кўприклар қурилишида одатда фойдаланилган пўлат конструкциялар ўрнига темирбетон конструкциялар ишлатилмоқда. Бу кўприкнинг яна бир хусусияти: кўприк устида нефть қувури ўрнатилган. У КРХ ороли билан Югославия материяси бўйлаб Венгрия чегарасигача боради. Бу ажойиб кўприкни Белградлаги «Мостоградня» бирлашмаси коллективи қурди. Белград биноларини Дунай ва Сава устида, Босния билан Македониянинг қояли даралари орқали кўприк қурдилар. «Мостоградня» коллективи 30 йил мобайнида 450 кўприк барпо этди. Булардан энг машҳури Черногория тоғларида Белград—Бар темир йўл магистралидир. Европада энг баланд мана шу кўприклар устунларининг баландлиги 200 метр келади.

ЭЪТИРОФ ЭТДИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Фаластин озод л и к ташкилотининг дипломатия жиҳатидан тўла эътироф этганини эълон қилди. Ҳиндистон ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао бугун парламентнинг қуйи палатасида сўзга чиқиб, «Фаластин озодлик ташкилотининг Деҳлидаги ваколатхонасига тўла дипломатик статус берилганлиги»ни хабар қилди. Ҳиндистон кўп йиллар давомида Фаластин халқининг ҳақ-қоний ишига турли халқаро ташкилотларда, шу жумладан БМТда қўллаб-қувватламоқда. Ҳиндистон ҳукуматининг ҳозирги қарори шу мададнинг мантиқий давомидир. Ҳинд халқи Фаластин халқига нисбатан ўз хайрихоҳлик ва қардошлик туйғуларини сўздагина эмас, амалда ҳам намойиш қилди.

Ҳиндистон Я қ и н Шарқ проблемасини ва шу регионда мустаҳкам тинчликка эришишни фақат Фаластин озодлик ташкилоти иштирокигина ҳар тарафлама ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблайди. «Фаластин халқининг ажралмас ҳақ-ҳуқуқини, шу жумладан унинг ўз давлатини тузиш ҳуқуқини тўла равишда тиклаш зарур», — деди Нарасимха Рао.

Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия Комитетининг Раиси Ясир Арафат Ҳиндистон Бош министри Индира Гандининг таклифига биноан 28 мартда икки кунлик визит билан Ҳиндистонга келади.

Одам ва табиат

БУДАПЕШТ, Венгрияда бошланаётган кўкаламзорлаштир и ш ойлигида 8 миллиондан кўп дарахт кўчати ўтқазилади. Шу ой ичида парклар, дам олиш зоналарининг территориялари анча кенгайтирилади. Бу ишларда республиканинг ҳамма граждан-лари қатнашадилар.

Венгрияда дов-дарахт майдонларини сақлаш ва кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Халқ хокимияти ҳукмронлик қилаётган 35 йил давомида мамлакат ўрмонзорлари территорияси ярим миллион гектар кўпайди.

* * *

ПРАГА. Чехословакиялик орнитологлар мамлакат территориясида оққуш уялари кўпайиб қолганлигини мамнуният билан маълум қилмоқдалар. Бу қушлар яшайдиган жойлар ҳам кенгайди. Илгари бу қушлар анъанавий яшаб келган жой Жанубий Моравия бўлса, 60-йиллардан бошлаб оққушлар Чехиянинг кўпгина районларида ҳам яшайдиган бўлди. Кўпинча улар қишин ҳатто Ческе Будеевице каби каттакатта шаҳарларда ўтказмоқдалар.

* * *

ЖАЗОИР. Жазоир Халқ Демократик Республикасида дарахтзорларни кенгайтириш кампанияси бўлиб ўтмоқда. Сетиф вилоятининг ўзидагина йил бошидан бери Жазоир меҳнаткашлари дам олиш кунлари 800 минг тупга яқин дарахт кўчати ўтқазишди. Бу ҳашарда вилоятнинг 35 минг аҳолиси қатнашди.

Совет фильмига—бош соврин

РИМ. Италиянинг Сан-Ремо шаҳрида XXIII халқаро кинофестиваль тамом бўлди. 15 мамлакат қатнашган фестивалнинг бош соврини айни вақтда икки картинага: совет режиссёри А. Ҳамроевнинг «Мевазорлик аёл» фильмига ва чех режиссёри В. Шитилованинг «Панелстори» фильмига берилди.

Маҳаллий матбуот Совет Ўзбекистонидан келган режиссёр А. Ҳамроевнинг «Мевазорлик аёл» асарига юксак баҳо бериб, унинг фестивалда чинакам шуҳрат қозонганини таъкидламоқда.

Сан-Ремодаги фестивалда совет кинематографиячиларининг ишлари муносиб равишда муваффақият қозониб келмоқда.

Фестивалга фахрий меҳмон бўлиб келган совет режиссёри Г. Данелиянинг фильмлари ҳам кинофестиваль вақтида кўрсатилди. Томошабинлар ва танқидчилар унинг «Серёжа», «Москвани сайр қилганда», «Ташвиш қилма», «Мимино», «Кузги марафон», ва бошқа асарларини томоша қилишга мушарраф бўлдилар.

КАТТА ГРУППА

ХАНОЙ. Социалистик Вьетнам қишлоқ хўжалик мутахассислари сафларига катта бир группа инженерлар қўшилди. Пойтахтдаги ирригация ва мелиорация институтини битириб чиққан ёшлар инженер-ирригатор деган диплом оладилар. Буларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш даражасидан бешдан бир баравар кўпдир. Сергелидаги ёғочни қайта ишлаш заводи, сут комбинати, ошхона мебеллари заводи ва бошқа корхоналар ҳам судралиб қолишаяпти.

Бу ерларда мавжуд ускуналардан яхши фойдаланилм а й д и, корхонада сменалараро бекор туриб қолиш ҳоллари кўп бўлади, ишлаб чиқариш бир маромда давом этмайди, таъминот хизматлари хом ашё материалларини етарли қилиб етказиб бермайди.

Шу сабабли «Ўзбекистон» бирлашмаси енгил саноатдаги мижоз корхоналарга 90 минг квадрат дициметр сунъий кўн бу-юмларини, 110 тонна пошна резинаси етказиб бермади.

Маданий-май ш и й буюмлар ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш бўйича план топшириқларини ҳамма корхоналар ҳам бажарди деб бўлмайди. Булар қаторида «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба заводи, чолғу асбоблари фабрикаси, махсус мебеллар фабрикаси бор.

Жумладан, фақат шу йил январь ойининг ўзида «Ўзбекистон» табиий ва сунъий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси етказиб бермаган маҳсулот 180 минг сўмликни ташкил этди. Ошхона мебеллари заводи савдо тармоқларига 284 минг сўмлик маҳсулот етказиб бермади.

Бир қатор корхоналар — булка-к о н д и т е р комбинати, ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш ва техник хизмат кўрсатиш заводи, Сергели ёғочни қайта ишлаш заводи, ғўзапоядан плиталар ишлаб чиқарувчи завод январь ойида маҳсулот таннархининг анча қимматлашувига йўл қўйдилар.

ЙИЛЛИК ПЛАН—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Акмал Икромов ва Сергели районлари мусобақаси

Барча резервлар—ишлаб чиқаришга

Районлардаги корхоналар январь — февраль ойларида асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича план топшириқларини қуйидагича бажаришди:

Акмал Икромов райони саноати маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича планни 101,8 процент, Сергели райони 101,7 процент; яппи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 101,2 ва 100,3 процент бажардилар. Ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий ўсиш суръати 104,8 процентни ва 116,2 процентни ташкил этди.

Акмал Икромов райони саноати меҳнат унумдорлигини ўстириш планини топшириққа нисбатан 98,8 процент, Сергели райони 100,8 процент бажардилар; ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати 101,6 ва 104 процентни ташкил этди. Унда Акмал Икромов районида меҳнат унумдорлигининг юксалиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши 33,3 процентни; Сергели районида 27,8 процентни ташкил этди.

Мусобақадош районларда барча корхоналар асосий кўрсаткичлардан бўлган маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича топшириқни уддаладилар.

Бироқ, Акмал Икромов районида бир корхона ишлаб чиқариш ҳажми бўйича уч корхона меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича топшириқни бажаролмадилар. Сергели районида бундай корхоналар учта ва бешта.

Акмал Икромов район саноати икки ойлик планга нисбатан 100,2 процент, Сергели район 99,1 процент маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқарди; маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш районларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қуйидагича ўсди: 102,8 ва 232,2 процент.

Акмал Икромов районида февраль ойи планини икки цех, 18 участка ва бригада, 140 ишчи, Сергели районида 3 цех, 17 участка ва бригада, 580 ишчи бажаролмади.

Қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молиявий манбаалар, 1980 йилнинг январь ойидаги маълумот) Акмал Икромов районида 113 процент, Сергели районида 104 процент бажарилди. Шу билан бирга шу йилнинг январь ойида тўрар жойни фойдаланишга топшириш плани бажарилмай қолди.

Акмал Икромов ва Сергели районлари саноати меҳнаткашлари беш йиллигининг якунловчи йилини ленинча зарбдор меҳнат йили деб эълон қилиб, йиллик ва беш йиллик халқ хўжалиги планларини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олишди. 31 декабрга қадар планга қўшимча 3,4 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,8 процент ва 12 процент ўсишини таъминлаш, 170 тадан кўпроқ янги модель ва фасондаги буюмларни ишлаб чиқариш—ишчиларнинг 1980 йилдаги жанговар ҳаракат программаси ана шундай. Мажбуриятлар юқори, уларни муваффақиятли амалга ошириш, меҳнатни ташкил этишни тинмай такомиллаштиришни, мавжуд резервлардан билиб фойдаланишни, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг барча звеноларининг юксак суръатда ишлашини таъминлашни тақозо этади.

Мусобақадош районларнинг йилнинг икки ой мобайнидаги хўжалик-иқтисод и й фаолияти натижалари шуни кўрсатаяптики, ишчилар ҳар бир участкада меҳнат самарадорлиги ва сифатини ошириш борасида талай ишларни амалга оширдилар. Асосий эътиборни фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, касб маҳоратини оширишга, асосий фондлардан самарали фойдаланишга, тежамкорлик режимини кучайтиришга қаратдилар.

Бу ўз самарасини берди. Районларда қолоқ корхоналар йўқ. Икки ой мобайнида планга қўшимча 715 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу мажбуриятдагидан 150 минг сўмлик кўпдир.

Районларда сўнгги йилда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда олдинга томон катта қадам қўйган, асосий буюмларнинг юксак суръатда ишлаб чиқарилишини таъминлаган корхоналар талайгина. Жумладан, «Средазгазавтом а т и к а» заводи, миллий чолғу асбоблари экспериментал фабрикаси (Акмал Икромов райони) граждан авиацияси ремонт-механика заводи, «Узсельстроймехремонт» ремонт-механика заводи, темир-бетон конструкциялари ва шпаллар заводи, «Вторцветмет» бирлашмаси (Сергели районида) товар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш мажбуриятини олди, 30 новатор эса шахсий ўнинчи беш йиллик ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажарганликлари ҳақида рапорт беришга тайёрланишаяпти. Район авиаторлари 22 апрелда тўла равишда тежалган ёнилғи билан ишлаш мажбуриятини олишди.

Акмал Икромов районидаги илғор меҳнат коллективларидан заргарлик, «Средазавтоматика» заводлари, «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари ҳам Ленин юбилейини муносиб меҳнат туҳфалари билан нишонлашга аҳд қилишган.

Шу билан бирга барча корхоналар мавжуд резервлардан билиб фойдаланишганда, ҳар бир участкада, бригадада юксак меҳнат суръатига, модий-техника таъминотининг аниқ йўлга қўйилишига эришганларида қўлга киритилган ютуқлар янада салмоқли бўларди.

Жумладан, Сергели районининг олти корхонаси белгиланган мажбуриятга нисбатан 76 минг сўмлик маҳсулотни кам берди. Районларда талайгина заводлар ва фабрикалар буюмлар ишлаб чиқариш графигидан анча ортда қолишаяпти.

«Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси икки ой мобайнида 729 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, план кўрсаткичидан 4 минг сўмлик ўзиб кетди. Бир қарашда ҳеч ташвишланадигандай томони йўқ ҳа ўхшайди. Аслида эса бу йиллик кўрсаткичнинг атиги 14 процентини ташкил этади. Приборсозлар квартал планни муваффақиятли бажариш учун март ойида 491 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш мажбуриятини олишди. Бу февраль ойида эришилган ишлаб чиқариш даражасидан бешдан бир баравар кўпдир. Сергелидаги ёғочни қайта ишлаш заводи, сут комбинати, ошхона мебеллари заводи ва бошқа корхоналар ҳам судралиб қолишаяпти.

Бу ерларда мавжуд ускуналардан яхши фойдаланилм а й д и, корхонада сменалараро бекор туриб қолиш ҳоллари кўп бўлади, ишлаб чиқариш бир маромда давом этмайди, таъминот хизматлари хом ашё материалларини етарли қилиб етказиб бермайди.

Шу сабабли «Ўзбекистон» бирлашмаси енгил саноатдаги мижоз корхоналарга 90 минг квадрат дициметр сунъий кўн буюмларини, 110 тонна пошна резинаси етказиб бермади.

Маданий-май ш и й буюмлар ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш бўйича план топшириқларини ҳамма корхоналар ҳам бажарди деб бўлмайди. Булар қаторида «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба заводи, чолғу асбоблари фабрикаси, махсус мебеллар фабрикаси бор.

Жумладан, фақат шу йил январь ойининг ўзида «Ўзбекистон» табиий ва сунъий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси етказиб бермаган маҳсулот 180 минг сўмликни ташкил этди. Ошхона мебеллари заводи савдо тармоқларига 284 минг сўмлик маҳсулот етказиб бермади.

Бир қатор корхоналар — булка-к о н д и т е р комбинати, ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш ва техник хизмат кўрсатиш заводи, Сергели ёғочни қайта ишлаш заводи, ғўзапоядан плиталар ишлаб чиқарувчи завод январь ойида маҳсулот таннархининг анча қимматлашувига йўл қўйдилар.



Шаҳримиздаги кўплаб саноат корхоналарининг коллективлари доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан нутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Юқоридаги суратда Тошкент «Сувенир» фабрикасининг пешқадам ишчиси, комсомол аъзоси М. Мусаев тасвирланган. Бу илғор ишчи шонли сана арафасида шахсий йиллик план-топшириғини бажаришга аҳд қилган.

* * *

Пастдаги суратда эса «Ташхимсельмаш» заводи 1-йигув цехининг ишчиси Фадиб Зиганшин ишни кўриб турибсиз. Коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси бўлган бу ишчи ойлик топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан адо этмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов ва М. Нуриддинов фотолари.



КОНВЕЙЕРДАН ЯНГИ ТУШДИ

«САЛОМАТ» ИЧИМЛИГИ

Ўзбекистон ССР Стандартлар бошқармаси «Саломат» деб номланган янги сутли ичимликни рўйхатга олди. Бу ичимлик бринза, пишлоқ, творог зардобидан тайёрланади. Ичимликни тайёрлаш жараёнида унга шакар, хмель ва ачитқи солинади. Тайёр ҳолдаги «Саломат» ичимлигининг ранги оч сариқ рангли бўлиб, хушбўй бўлади. Шунинг учун ҳам унинг «Саломат» деб номланганлиги бежиз эмас. Бу ичимликнинг афзал томони шундаки, «Саломат» жигилдон қайнашини камайтиради.

Янги ичимликни озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли Олмаликдаги сут заводи ишлаб чиқара бошлади. Ҳадемай чиройли ёрлиқ билан безатилган ярим литрли шишаларга қуйилиган «Саломат» ичимлиги савдо тармоқларига чиқарилади.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

235 МИНГ СЎМЛИК

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари 19 апрель кунини энг юқори меҳнат самарадорлиги куни деб эълон қилдилар. Меҳнат байрами кунида тикувчилар 235 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бу товарларнинг учдан бир қисми Сифат белгиси билан чиқарилади. Шу куни корхонанинг жуда кўплаб ишчилари смена топшириқларини ортиғи билан адо этишга аҳд қилишган.

Бирлашма ишчилари ўртасида хом ашёдан рационал фойдаланишни кенг жорий этиш учун тез-тез кўрик-конкурс ўтказиб турилибди. Бунда корхонанинг 3 мингдан ортиқ ишчилари, инженер-техник ходимлари иштирок этишади. Шанбалик куни эса ана шу конкурс туфайли тежаб қолинган 15 минг квадрат метр газламадан фойдаланилади.

Юксак мажбурият

Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмасининг коллективи коммунистик шанбалик кунида 170 минг сўмлик турли буюм ишлаб чиқаради. Бу эса ўтган йилги меҳнат байрамида ишлаб чиқарилганидан ўн минг сўмлик кўп.

Шу кунларда корхонада ишлаб турган илғор тажриба мактабининг программаси яна кенгайтирилди. Машғулотларда тикотажчилар социалистик мусобақанинг пешқадамлари — Шоира Ҳолмуҳамедова, Анна Гладкова, Соня Ягудиналар юксак иш унумига эришиш сирлари ҳақида гапириб бермоқдалар. Уларнинг ҳар бири ўн йиллик программани Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажариш ва меҳнат байрамини иккита смена топшириғини адо этиш билан нишонлаш юзасидан мажбурият олишди.

• *Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин*

САМАРАЛИ ҲИССА

Чилонзор районидаги Халқлар дўстлиги проспекти тобора кўркам ва обод бўлиб бормоқда. Шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштир и ш икки ойлиги давомида бу ерда бир қанча тадбирлар амалга оширилади. Проспектнинг Подмосковная шоҳаршараро автостанцияси ва Волга автозаводи махсус автомарказини Тошкент бўлими коллективлари бу умумхалқ ишига самарали ҳисса қўшишяпти. ВАЗ автомарказининг 463 кишидан иборат ишчи ва хизматчилари икки ҳафта давомида проспект бўйлаб 150 туп манзарали дарахт кўчатларини ўтқазишди. Корхона территорияси ва унинг атрофидаги йўлкаларда буйёд этилган гулзорлар тартибга келтирилди.

Ўтган йили ўтқазилган ниҳолларнинг ёсқин ёмшатиб оқланди. 1200 погонметр ирригация шахобчалари қазилди. 1,5 гектардаги ташландиқ майдон текисланиб, унда кўкаламзорлаштир и ш ишлари бошлаб юборилди. Бу хайрли ишда юқоиванинг коммунистлар Ж. Усмонов ва В. Горбачов бошчилигидаги ремонтчи бригадалари актив қатнашмоқдалар. Бундан ташқари корхона техник-хизматчиларидан Л. Сальникова, Н. Никитина, А. Абдурахмонова, С. Сизикова, Т. Корсун, Л. Лавренчуклар йўл бўйидаги панжаралар, тўсиқлар ва скамейкаларни бўяш ишларини юқори сифат билан адо этмоқдалар.

Шу кунларда шу коллектив ўртасида удуг сана — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ҳамда навбатдаги Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги шарафига бошланган умумхалқ мусобақаси ниҳоятда кенг авж олмоқда. Автомарказ ремонтчилари шу куни шанбалик фондига 3,5 минг сўм маблағни ўтказишга аҳд қилганлар. Шанбаликда корхонанинг 160 кишиси ободонлаштириш ва кўкалмзорлашти р и ш ишлари билан машғул бўлади. Янги ўтқазилган дарахт кўчатлари парвариш қилинади.

Корхона территориясидан 10 тоннага яқин ҳар хил металл чиқиндилари йиғиб-териб олинади. Ишлаб чиқариш корпуслари тартибга солинади, ювиб тозаланади. Бу ишлар учун икки ағдарма машина ва битта махсус ортиш механизми ажратилди.

— Шанбаликни ўтказиш штаби шу куни бажариладиган тадбирлар планини пухталик билан режалаб қўйган,— дейди бошланғич партия ташкилоти секретари Сергей Владимирович Молоков сўзининг охирида.

М. ОРИПОВ.



ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ БУЙЛАБ. СУРАТДА: Токио шаҳрининг умумий кўриниши. ТАСС фотохроникаси.

Алломалар ҳақида ҳикоятлар

Икки кунлик роҳат

Беруний йилда икки мартагина дам оларкан. Биринчиси — Наврўзи олам кирган куни, иккинчиси — буғдойга биринчи ўроқ тушганда.

Дилларни хушнуд этиб Наврўзи олам келган куни эрта тонгданоқ олим ўридан туриб, ювиниб-тараниб, яхши либосларни кийиб қариндош-уруғларни, кейин ёру биродарларни анёрат қилиб, ҳолидан хабар олар экан. Улар билан бирга бўлиб суҳбатлашар, ҳазил-мутойиба қилар, аскиялар айтишаркан. Кейин то қош қорайгунча кўш қўшишар, ерга биринчи ўмоч солишда қатнашар, ниҳол экишаркан...

Ҳол-аҳвол сўраганларга:

—Дам олиб, ҳаёт лаззатини тотиб кўряпмиз, —деб жавоб бераркан Беруний.

Бошоққа биринчи ўроқ тушган куни ҳам олим деҳқонча либос кийиб олиб, қўлларига ўроқ тутиб азондан то кечгача буғдой ўрар, уни чархлар экан. Олимни кўрган-кетганлар:

— Ҳорма, бор бўл, —қилишса, у:

—Дам олиб, ризқимни теряпман,—деб жавоб берар экан.

Қаранг-а, улуғ аллома мутолаа, китоб ёзиш, тажриба ўтказишдан йилига ойнга икки кун вақт ажратиб, азондан то кечгача кўш қўшиб шудгор қилишни, ўроқ ўришни ўзи учун дам олиш деб билар экан.

Ҳа, олимнинг бир дақиқа вақтини беҳуда ўтказгани —унинг ҳалок бўлгани, дейишаркан.

Қон ҳидини сезиб...

Беруний вақтининг бир қисмини тоғларда маъданлар қидириб топиш, уларни ўрганиш билан ўтказар экан. Олим ишга шунчалик берилиб кетар эканки, ёнида қанча одам бўлса ҳам, гўё ҳеч ким йўқдек бамайлихотир ишлайвераркан. Оёқларини тош қавартириб юборса ҳам чарчаш нималигини билмай тоғма-тоғ, қирма-қир юргани-юрган экан.

Кунлардан бир куни сарой олимларидан бир нечаси Берунийнинг тоғ сафарига ҳамроҳ бўлишди. Беруний қидириб юриб бир тошни кўриб қолди. Синчиклаб қараса, шу ерда гуж-гуж олтин бор экан. У ҳамроҳларига қараб: «Бу ерда олтин бор» демоқчи бўлибди-ю, лекин бусиз ҳам бир-бирлари билан талашиб-тортишиб, бири иккинчисини ўлдиролмай юрган, нима қилиб бўлсаям бойиш қўйига тушган ҳамроҳлари олтин талашиб бир-бирларини ҳалок этишларини ўйлаб қолди: «Яхшиси, бу ердан тезда кетайлик дейман», — деб кўнглидан ўтказди ва кишиларга қараб:

—Бу ер хосиятсизга ўхшайди, бу жойдан қон ҳидини сезиб турибман, тез кетайлик,—деди.

—Нега энди, бирон-бир сир кўрдингизми? Нима учун анаву ташлаб юборган тошга узоқ тикилиб турдингиз-да, сўнг бирдан кетаманга тушиб қолдингиз? — деб шубҳаланиб сўрашибди ҳамроҳлари.

—Ҳа, тез кетмасак бўлмайди. Мен қон ҳидини сезиб турибман. Бекордан-бекорга нобуд бўлмайлик тағин. Мен кўрган тош, одатда энлизила олдидан кўчадиган тоғ парчасига ўхшайди. Ер қимирладими, бу тоғлар бир-бирига урилиб, шундай кўчки бўладики, бирортамиз ҳам омон қолмаймиз. Ким қолса қолаверсин, мен кетдим.

Беруний шундай дебди-да, тез жўнаб қолибди. «Улуғ олим бир нарсани биладики, шундай деяпти», деб бошқалар ҳам унга эргашишибди. Аллома Беруний шу йўл билан очкўз кишиларнинг олтин талашиб, оч бўриdек бир-бирларини ҳалок этишларига йўл қўймабди...

Аллома нуқул: «Илм билан давлат ҳечам келиша олмайди, кимда-ким илмни бойиш манбаи қилиб олса, у узоққа бормайди, ярим йўлда ҳалок бўлади», дер экан.

Оқибатини кутиб...

Беруний ўйлаб қўйган бир муаммони ҳал қилишга киришганда тоби қочиб қолибди. Табиблар қанчалик ҳаракат қилишмасин фойда бермабди, аксинча кундан-кунга оғирлашаверибди. Шундай бўлса ҳам, тажриба бошлаган жойда қолдириб келган шогирдини ҳар куни чақиртирар, ундан кузатув натижасини суриштирарқан.

Тажриба яхши бораётганини билиб енгил тортар, шодланарди, натижа ёмон чиқаётганини эшитса, олим ўзини ёмон сезиб, оғирлаша бошларди. Табобат аҳли хастанинг ташвишланиши, ҳаяжонланиши ёмон оқибатларга олиб боришини, осойишта бўлиб, тинчланишини қанчалик уқтиришмасин, барибир тинчимабди.

Хасталик енгиб, ҳаёт билан видолашиш олдидан яқин келганда, олим бор кучини йиғиб: «Шогирдимни чақиринглар дебди. Шогирдини чақириб келтирибдилар. Беруний ўлим билан олишаётган сўнгги икки оғиз сўзини айта олибди.

—Қалай?—дебди шогирдига.

—Устоз, хотиржам бўлинг, натижа жуда яхши чиқди. Худди сиз айтгандай! —жавоб берибди шогирд.


Беруний кўзларига севинч ёшини олиб, «Энди осойишта кетсам бўлади, бошлаган ишимнинг оқибатини кутаётган эдим», —дебди-да омонатини топширибди. Охирги сўзи шу бўлибди.

Филология фанлари доктори Малик МУРОДОВ

тайёрлаган.

• *Бош пландан бир лавҳа*

Институтнинг янги корпуси



«Средазниипроцветмет» институти ижодкорларидан лойиҳалар бош архитектори Ю. Бельцевич ва лойиҳалар бош инженери И. Банников раҳбарлигидаги ижодкорлар «Узстройтранс» бирлашмасининг инженерлик-лаборатория корпуси лойиҳаларини яратишди. Мазкур бино Гоголь кўчасидаги капитал қурилишларни молия билан таъминлаш Бутуниттифоқ банки Куйбишев район бўлимининг биноси ёнида қад кўтаради. Лойиҳа ишлари Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Узстройтранс» автотранспорт бирлашмасининг бузортмасига кўра бажарилган.

Инженерлик-лаборатория корпуси беш қаватдан иборат бўлади. Бинонинг ташқи томонини безашда мармар, гранит, кошинли плиталардан кенг кўламда фойдаланилади.

Бино вестибюли ва коридорлари мозаик панноллар билан безатилади. Бино хоналарига ташқи шовқин-суронлардан ҳимоя қилувчи қурилмалар ўрнатилган. Машина бюроси ва мажлислар залининг шиплари овоз ютувчи материал билан қурилади.

Меъморлар ва инженерлар лойиҳанинг смета баҳоларини қисқартириш учун кенг кўламда наланишлар олиб боришгани сабабли қурилиш таннархини 3—5 процентга камайтиришга муваффақ бўлишди.

Қурилиш ишларига шу йил киришилади.

СУРАТДА: бинонинг эскизи акс этган.

Т. ҲАКИМОВ.

Шанба ўқувчиси

• *Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун*

221 ТАГА КЎПАЙДИ

БУГУН

«ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИ ГОРЬКИЙДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН «ГАЗ—2401» МАРКАДАГИ ВОЛГА МАШИНАЛАРИНИНГ ОҚ РАНГЛИСИДАН ЙИГИРМА ИККИТА ОЛДИ. Бу машиналар ҳадемай ҳамшаҳарларимиз хизматига чиқариладн. Йил бошидан бери ана шундай кўркам машиналардан 113 таси олинди. «ГАЗ—2407» маркали газ билан юрадиган машиналардан эса ўттизтаси келтирилди.

Ҳамшаҳарларимиз ғ а йнада қулайлик туғдириш мақсадида шу кунгача 47 та бир қанча маркадаги қулай автобуслардан келтирилди. «ЛАЗ—695Н» маркалидан саккизта, «ЛАЗ—672» маркали автобус дан олтита, «ЛИАЗ—677» маркадаги машинадан ўн саккизта ва «Икарус—260» маркали Венгрияда ишлаб чиқарилган машиналардан ўн бешта олинди.

БИРИ-БИРИДАН МАЗАЛИ


Ҳозир шаҳримизда 136 та нон магазинлари бўлиб, улар бир соатда мингга яқин харидорларга хизмат кўрсатмоқда. Бу магазинлардан 98 таси ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишламоқда. 38 та нон магазинларига нон маҳсулотлари махсус контейнерларда етказиб берилмоқда.

Яқинда Узбекистон ССР 50 йиллиги проспекти билан Абай проспекти чорраҳасида янги нон дўконн фойдаланишга топширилди. Ташқи кўринишн мармар билан жиҳозланган бу кенг, ёруғ ва чиройли савдо залига эга бўлган магазинда харидорлар учун барча қулайликлар мавжуд. Нон магазинида бир-биридан ширин, ўнга яқин турдаги нонлар сотилмоқда.



● Баҳор гуллари.
● Чағалайлар.
М. Нуриддинов ва ТАСС фотоэтюдлари.





• *Наботот-ҳаёт манбаи*

ҚУМЛАРГА ҚАЛҚОН ДАРАХТ

Акас дарахти ўрта ҳисобда 50 йил яшайди. Унинг ёғоч қисми пишиқ бўлиб, чириш процесси жуда ҳам суст. Шунинг учун унинг ёғочини қудуқларни маҳкамлашда ҳам ишлатишади. Илдиз қисми 2—3 метр чуқурликкача, ён томонга эса 18 метргача тарқалади. Мевасидан бир дона уруғ қум устига тўкила бошлайди. Шунинг учун уларнинг уруғи май ойидан кечиктирмасдан териб олинади. Акас дарахти уруғидан кўпаяди. Ҳар бир ўсимлик 900 тача уруғ бериши мумкин. Шамол таъсирида илдиз қисми очилиб қолса, шу илдизларда янги бачки новдалар пайдо бўла бошлайди. У шу зайилда кўпайиш хусусиятига ҳам эга. Илдиз қисмида пайдо бўлган бачки новдалар 3—5 йилдан сўнг яна мева қилади. Қизилқумнинг Бухоро областидан ўтган Бухоро—Урал газ қувурларини қум кўчишдан сақлашда қумли тупроқда ўсувчи қандим, черкез ва бошқа ўсимликлар билан бир қаторда акас дарахти ҳам катта роль ўйнаши аниқланди.

Қўчма қум устига аввал шох-шаббалар, қамиш, оқбош, янтоқ ёки бошқа ўсимликлардан 30—40 сантиметр баландликда деворчалар (тўсиқлар) ўрнатилади. Бу тўсиқлар қатор-қатор қилиб ўрнатилиб, оралиги 3—4 метрга тенгдир. Агар шамолнинг йўналиши кескин ўзгариб турса, механик тўсиқлар 3х3 ёки 4х4 метр қилиб катак шаклида ўрнатилади. Бу механик тўсиқлар ташкил қилингандан сўнг қумнинг устига декабрь—февраль ойларида черкез, қандим, қум акацияси ва бошқа ўсимликлар уруғи сепилади. Акас дарахтининг уруғи бир гектар қум юзасига 400 грамм ҳисобида сепилганда биринчи йилдан сўнг баландлиги бир, бир йигирма сантиметргача 900—1000 дона ўсимлик пайдо бўлади. Бу ўсимликларнинг илдизи биринчи йили бир-бир ярим метр чуқурликка етиб боради. иккинчи йили эса асосан илдизи шохлана бошлайди ва горизонтал йўналишда ўсади. Акас дарахти ва бошқа чўл ўсимликларининг илдизлари ва шох-шаббалари газ қувурлари ўтган жойлардаги қумларни кўчишдан яхши сақлайди.

М. СОБИРОВ,
Ўрта Осиё Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

ТЕХНИКА ЯНГИЛИГИ

Портлатиб... кесилди

Портлаш гумбирлади, аммо ҳавога майда шағал ва чанг кўтарилгани йўқ. Олти тоннали мармар блок пичоқ билан кесилгандек эди, уни кранга илиб юк машинасининг кузовига жойлаштирса бўлаверарди. Бу иш беш йиллигининг якунловчи йилида Ғозғон карьерида жорий этилган технология билан бажарилди. Бўлғуси блок тархи бўйича мармар қатламида пармаланган шпурлар махсус детонацияланувчи шнурга уланади. Электр импульси занжирни туташтиради ва мармар палахсаси массивдан ажралади.

Мармар қазишда портлатишдан фойдаланмоқчи бўлиб, аввалги қилинган уринишлар ўзини оқламади: ҳаддан кўп қимматли безак материал уваланиб кетарди. Ҳолбуки, Ғозғон карьери мамлакатда ишлов беришга яроқли блокларн нўпллиги билан шуҳрат қозонган.

Бунда детонацияланувчи шнур қўл келиб қолди. Тошкент политехника институтининг мутахассислари ишлаб чиққан бу шнурдан фойдаланиш методи амалда чиқитсиз ишлашга имкон беради, блокларда дарз ҳам қолдирмайди. Бунинг натижасида пармалаш ишлари ҳажми камайди, меҳнат сарфи бир ярим баравар озайди.

(ЎзТАГ).

МУЪЖИЗАЛАР ОЛАМИДА

ЕРНИНГ ЎТЛИ НАФАСИ

Ер шарида 430 га яқин вулқон бўлиб, уларнинг отилиб турганлиги қадимдардан маълум. Бу вулқонларнинг сайёрамиз юзида жойлашиши ҳам қизиқ. Вулқонлардан 275 таси шимолий ярим шарда, 155 таси эса жанубий ярим шарда жойлашган.

Вулқон отилишлари кўпроқ Тинч океанида содир бўлади. Шу кунгача 2500 та вулқон отилишининг 2 мингдан кўпроғи Тинч океанда кузатилган. Сансонга яқин отилувчи вулқонлар сув остида жойлашган.

Дунёда энг баланд ва ҳаракатдаги вулқон Котопакси (Эквадор) вулқони бўлиб, у денгиз сатҳидан олти минг беш метр баландликдадир.

• *Ҳар тўғрида*

ХУРРАКНИНГ ДАВОСИ

Италиялик олимлар хуррак отишга қарши ажойиб-ғаройиб усулни таклиф этишди. Хуррак отадиганлар бу дарддан қутулиш учун микрофон жойлаштирилган ниқоб кийиб ётади, шунда хуррак овози наушникдан хурракчининг ўзига баттар баландлаб эшитилади.

ЭНГ ЭСКИ ШАРОБ

Ўрта Ер денгизининг Сицилия ороли яқинидаги сув остидан шароб тўлдирилган кўзалар топилди. Чамаси вино ортилган қадимги кема тўлқинда ғарқ бўлган. Кеманинг юкини ғаввослар неча асрлардан кейин яқиндагина сув юзасига чиқардилар.


КИМНИНГ УМРИ УЗОҚ?

Жаҳондаги хотинлар эркаклардан кўпроқ умр кўрадилар. Фақат Ҳиндистон, Кампучия ва Шри-Ланка хотинлари эркаклардан (ўртача) камроқ умр кўрадилар.

НУР ҲАМ КУШАНДА

Канадалик олимлар бир нарсани пайқаб қолишди. Фотографлар сурат олганда электр нуридан фойдаланишади. Худди шундай чақнаб ёнувчи нурлар билан ҳашаротларни қириш мумкин экан. Баъзи ҳашаротлар нур зарбидан тамомила қирилиб кетмасалар-да, кўпайиш-уруғлаш қобилиятини йўқотар экан. Иккинчи марта берилган нур зарби уларни бутунлай қириб ташлаши аниқланган.

• *Рассом табассуми*



—Лабингиз ордона қолсин, бола га қарасангиз бўлмайдими?

—Кўп шанғиллайверманг, йиғласа нўзи қора бўлади.



—Яхши қиз, ишингизда юрагим нуйиб нул бўлдину....

—Мана бу газ сувини ичиб юборинг, тафти босилади.



Ичкиликбоз ҳиргойиси:—Санам Ҳеч борми инсофинг?

Р. Убайдуллаев чизган расмлар.

ТО справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ЖАББОРОВ: Кечки ҳунар-техника билим юртларида ҳамда кундузги ҳунар-техника билим юртларининг кечки бўлимларида (группаларида) ўқийдиган ишчи ва хизматчиларга қандай имтиёзлар берилади?

Жавоб: Кечки ҳунар-техника билим юртларида ҳамда кундузги ҳунар-техника билим юртларининг кечки бўлимларида (группаларида) ўқийдиган ишчи ва хизматчилар машғулот бўладиган кунлари билим юртидаги ўқув машғулотларига боролмасликка сабаб бўладиган сменадан ташқари ишларга жалб этилмасликлари керак.

Бундай билим юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда муваффақиятли ўқиган шахслар йил мобайнида тайёрланиш ва имтиҳон топшириш учун 30 кунга ишдан озод қилинадилар. Бунда асосий иш жойида иш ҳақининг 50 процентн сақланади.

∴ ∴ ∴

И. ЭРГАШЕВ: Пенсия белгилаш ҳақидаги ариза ва тавсиялар қанча муддатда кўриб чиқилиши лозим?

Жавоб: Пенсия белгилаш ҳақидаги ариза ва тавсиялар пенсия белгиловчи комиссия томонидан барча ҳужжатлар билан ариза ва тавсиялар олингач, узоғи билан ўн кун давомида кўриб чиқилиши керак. Агар пенсия белгиланса, ариза ёзган кишига «Пенсия гувоҳномаси» берилиб, унда пенсиянинг тури ва ҳажми кўрсатилади.

Пенсия белгиланмасликка қарор қилинганда эса социал таъминот бўлими бу ҳақда корхона маъмуриятини ёки ариза ёзган кишини беш кун мобайнида хабардор қилиши ва барча тақдим этилган ҳужжатларни қайтариб бериши лозим. Бунда пенсия нега белгиланмаганл и г и ҳамда шикоят қилиш тартиби ҳам кўрсатилиши керак.

Пенсия белгилаш бўйича комиссия қарорндан норози бўлган тақдирда район (шаҳар) Совети ижроия комитетига ёки социал таъминот органи итоат этадиган бошқа юқори ташкилотларга шикоят қилиш мумкин.

Суд органлари пенсия масаласидаги шикоятларни қараб чиқиш билан шуғулланмайдилар.

∴ ∴ ∴

Т. СИДДИҚОВ: Газеталардаги иқтисодий мавзуда ёзилган мақолаларда «Меҳнатнинг фонд билан қуролланиш» жумласини кўп учратамаи. Бу қандай маънони билдиради?

Жавоб: Меҳнатнинг фонд билан қуролланганлиги—ҳар бир ишчига тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичидир. Фонд билан қуролланишнинг ортиши—меҳнат унумдорлиги ўсишининг энг муҳим омилларидан бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси фонд билан қуролланишнинг ўсиш кўрсаткичи бўлади.

Социалистик ишлаб чиқаришда меҳнатнинг фонд билан қуролланиш узлуксиз ва юксак суръатлар билан ўсади.

∴ ∴ ∴

Ф. АМИНЖОНОВ: Мен командировка бўйича белгиланган объектга бориб келганимни тасдиқловчи темир йўл билетини йўқотиб қўйдим. Шу боисдан бухгалтерия йўл ҳақини тўламади. Шу тўғрими?

Жавоб: Йўқ, нотўғри. Командировкага борган кишининг йўл ҳақи агар унга бепул транспорт воситаси берилган тақдирдагина тўланмайди.

Агар командировкада бўлган ходим йўл учун сарфлаган харажатларини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаса, унга доимий иш жойи билан командировка жойи оралиғидаги минимал йўл ҳақи берилади.

(Газетанинг навбатдаги сони 1 апрелда чиқади).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет ОҚШОМИ

29 МАРТ, 1980 й.

Олимпиада саҳифасидан

БАХТЛИ ТАСОДИФ

Франциялик боғбон Мишель Теато югуриш билан шуғулланишни жуда яхши кўрарди. 1900 йилда Парижда ўтказилаётган Олимпиада ўйинлари шу ерда ташкил қилинган жаҳон кўргазмаси муддатига тўғри келди. У кўргазма программаси доирасида 40 километр масофага югуриш бўйича пойга ўтказилишини эшитди. У дарҳол югурувчилар рўйхатига ёзилди. Маррага биринчи бўлиб келиб, ғолиб чиқди.

Орадан 12 йил ўтгандан кейин мутахассислар ана шу масофа Олимпиада программасига киритилган марафонли югуриш масофасига тенг эканлигини аниқладилар. Натижада Мишель Театога II-Олимпиада ўйинларининг чемпиони олтин медали топширилди.

ОТА-БОЛА ШУҲРАТИ

Швейцариялик мерганлар Оскар Сван ва унинг ўғли Альфред Сван биргаликда Олимпиада ўйинларининг олтита олтин медалини қўлга киритишган. Уларнинг ҳар бири уч мартадан фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган. Бундан ташқари Оскар Сван бир марта кумуш ва икки марта бронза медали билан тақдирланган. Альфред эса уч марта кумуш ва уч марта бронза медали билан тақдирланган. Шу боисдан ҳам бу оилани чемпионлар оиласи деб аташ мумкин.

• *Ҳайвонот оламини ўрганамиз*

СУВ ҚУНДУЗИ

Сув қундузининг нутрия дейиладиган тури Ватанимизга Аргентинадан келтирилган бўлиб, бу кичкина ҳайвон турли ўт ва қамишлар ўсадиган кўлларда ва ариқларда яшайди. Нутрия қундузи сувда жуда яхши сузади, беш минутгача сув тагида шўнгиб тура олади. Унинг бармоқ аъзоси сувда яшашга яхши мослашган бўлиб, узун думи сувда сузиш вақтида руль вазифасини бажаради, узун қулоқлари эса, сув кирмасин учун махсус қопқоқ-клапанлар билан ёпилади.

Нутрия қундузи мўйнали ҳайвон бўлиб, унинг қундуз терисига ўхшаш қора кулранг териси жуда чиройли, пишиқ, қимматбаҳо ҳисобланади. Нутрия қундузи узоқ вақтлргача фақат иттифоқимизнинг жануб томонларида кўпайтириб келинар эди. Лекин биологня фанлари доктори Л. В. Бойцов нутрияни Ватанимизнинг марказий областларида, шу жумладан Москва атрофида кўпайтиришга уриниб кўрди. Бу олиб борилган тадқиқот ишлари фан соҳасида яхши натижа берди.

Қундузлар янги жойларда ўзларини жуда эркин сезиб, яхши кўпаймоқда. Москва яқинидаги «Нара» балиқ хўжалигида жуда кўп нутрия қундузлари боқиляпти. Қиш фаслида қундузлар усти ёпиқ, лекин иситилмаган биноларда сақланади, баҳор келиши билан уларни очиқ ерга қўйиб юборишади. Овқатга чақириб занг урилганда ҳамма қундузлар тезлик билан қирғоққа сузиб келади. Уларда шартли рефлекс ҳосил бўлган. занг урилиши билан мазали овқатлар—сабзи, лавлаги ва бошқа сабзавотлар берилишини яхши билишади.

Қундуз тишларининг қизғишлиги унинг соғломлигини кўрсатади, агар тишлари рангсизланиб кўринса, қундуз касалланган бўлади.

Ҳозир олимларимиз нутрия қундузини қўлда боқишга ўргатиб, уй ҳайвонига айлантириш устида илмий иш олиб боришмоқда. Л. В. Бойцовнинг уйида Колобка исмли нутрия қундузи ҳозир тўрт йилдан бери яшаб, уйдагиларга ўрганиб қолди. У тўрт йил давомида ўтгиздан ортиқ бола тугди.


Олимларимиз шу кунларда бу қимматбаҳо мўйна берадиган нутрия қундузини Ватанимизнинг барча жойларида иқлимлаштириб яшашга, шу билан бирга, уй ҳайвонига айлантиришга муваффақ бўлдилар. Шаҳримизнинг ўзида ҳам нутрия қундузлари боқилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, нутрия қундузининг терисидан ташқари унинг мойи ҳам халқ медицинасида кенг қўлланилади. Оёқ огриғи, бел огриғи ва бод касаллигида унинг мойидан қўмпресс сифатида фойдаланилади.

Т. МАҲМУДОВ,
биолог.

• *Дам олиш соатида*

«ГУЛЛАР» ЧАЙНВОРДИ



1. Сув гули. 2. Гул сифатида ўстирилувчи хушбўй ўсимлик. 3. Қуёш ботиши билан очилувчи гул. 4. Эрта баҳорда тоғ ён бағрида ҳам тувакда ўстирилувчи декоратив ўсимлик ларн ва тоғ этакларида ўсувчи бир йиллик ўсимлик. 5. Чиройли хили. манзарали гул тури. 6. Баҳорнинг илк гули. 7. Гул сифатида Тузувчи: Инобат МИРЗАЕВА.

22 МАРТДАГИ «НАВБАҲОР» ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Жибилажибон. 2. «Навбаҳор». 3. Редиска. 4. Ариқ. 5. Қўзиқорин. 6. Наврўз. 7. Зирк. 8. «Мўъжиза». 9. Манжажўхори.

• *Биласизми?*

АКУЛАЛАР НЕГА КАСАЛ БЎЛМАЙДИ?

Денгиз йиртқичлари—акулалар юқумли касалликлар азобини билмайди, шу жиҳатдан ҳавас қилса арзигудек соғлом ҳайвонлардандир.

Уларда беҳосдан пайдо бўлган жароҳатлар ўзига хос тезлик билан тузалиб кетади. Америкадаги Майами университети биологлари буни акула қонидаги ҳар хил антижисмларга боғлаб тушунтирадилар. Акулаларда бундай антижисмларнинг доимо запаси бўлади. Акула қонидаги антижисмлар организмда зарар етказадиган вирус ва бактерияларнинг кўпайишига тўсқинлик қилади. Одамларда эса бу вирус ва бактериялар ҳар хил касалликларни юзага чиқаради. Акулаларда камдан-кам учрайдиган бу ҳодисанинг сабаби аниқланса, юқори эффект берувчи даволаш воситалари топилади.

А. РАСУЛОВ
биолог.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

31 МАРТ. ДУШАНБА.

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 Телевидение экранида биринчи марта. «Кинога борамизми?». Москва ёш томошабинлар театрининг спектакли. Автор—А. Алексин. 11.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Кўрсатув тугагач (12.25) —Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.20 «Телестадион». 17.20 «Сиз яратган боғ». 17.50 И. Брамс. Баллададлар. 18.15 С. Михалков. «Мен ҳам кичик бўлганман». Кўрсатувда автор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. В. Михалков иштирок этади. 19.15 Концерт. 19.30 «Илғор тажриба —умумхалқ мулки». Кўрсатувда КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари Ю. Н. Христораднов иштирок этади. 20.00 «Сарсонлик-саргардонликда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. «Опа-сингиллар». 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Ёзувчи ва ҳозирги давр». Кўрсатувни Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати Ю. Бондарев олиб боради. 23.00 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. Кўрсатув тугагач (23.00) —«Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қандай қилиб ишёқмас Неохоткин ишчан бўлиб қолгани ҳақида». Мульфильм. 18.30 «Мактаб ўқувчилари учун. «Олимпиада умидлари» (рус.). 18.55 Ғалабанинг 35 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». Кўрсатувда генерал-майор С. Охунжонов иштирок этади. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Сеҳрли лой». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.00 Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари олдидан. Озарбайжон телевидениесининг программаси. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Озарбайжон телевидениеси программасининг давоми. 21.30 Москва «Время» информацион программаси. 22.05 «Ўлкамизни боғ-роғларга буркайлик». 22.20 «Узук кўзидаги сув париси». Бадиий фильм. 1-серия. (Венгрия). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Ер ва эл». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси (рус.). 21.20 «Врач маслаҳатлари». 21.40 «Иккинчи истеъдод». (рус.). 22.10 Бокс. СССР Маориф министрлиги соврини учун мусобақалар. Репортаж (ёзиб олинган). 22.55 «Тунги сеанс» Телевизион бадиий фильм (рус.).

1 АПРЕЛЬ. СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.35 «Сарсонлик-саргардонликда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. «Опа-сингиллар». 12.05 Москва Давлат симфоник оркестри ижросида рус композиторларининг асарлари. Концерт тугагач (12.25) — Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Биз — ишчилармиз» (Таллин). «Трасса» (Олмаота). 15.55 «Чумаклар қувончи». Фильм-концерт (Киев). 16.25 «Жонажон табиат». 16.45 «Кўшиқларимиз, парвоз эт». 17.30 «Г. Х. Андерсен эртаклари». Ёзувчи туғилган куннинг 175 йиллигига. 18.00 «Ёшлар адреслари». 19.00 «Китоблар уйи». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран») 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.05 СССР халқ артисти Д. Гнатюк куйлайди («Экран»). 20.15 «Сарсонлик-саргардонликда». Кўп сериялик телевизион бадиий фильм. 2-серия «Танлаш». 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Фестиваллар, конкурслар, концертлар». Кўрсатув тугагач (23.05)— «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Рабиндранат Тагор — Ҳиндистон адабиётининг энг йирик намояндаси». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 Болалар учун телевизион театр. Г. Бакир. «Бизнинг гўзалларимиз» (такрорий). 12.50 «Тўрт танкчи ва ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия (рус.). 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қора макнорларнинг тугатилиши». Мультфильм. 18.40 Мактаб ўқувчилари учун «Камалак». 19.10 «Миллионлар ленинча университети». «В. И. Ленин социализм ва коммунизм ҳақида». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Эҳ, аттанг...» «Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Т. Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Ноз-неъмат бунёдкори». Сабзавоткорлар учун кўрсатув. 22.20 «Узук кўзидаги сув париси». Бадиий фильм. 2-серия (Венгрия). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари. «Социалистик реализм— совет санъатининг ижодий методидир». 21.05 Абитуриентлар учун. Физика. 22.05 Абитуриентлар учун Она тили. 22.35 «Етти қария ва бир қиз». Телевизион бадиий фильм (рус.).

2. АПРЕЛЬ. ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 Мультфильмлар программаси: «Карнайча ва қуш ҳақида». «Ғаройиб манеж». 10.25. «Сарсонлик саргардонликда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 2-серия. «Танлаш». 11.40 «Киносаёҳатчилар клуби». Кўрсатув тугагач (12.40)— Янгиликлар

15.00 Янгиликлар. 15.20 Геологлар кунига. «Губкин тупроғи». Илмий-оммабоп фильм («Центрнаучфильм») 16.10 «Ҳунар-техника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». 16.55 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хорининг концерти. 17.30 Чанғи спорти. Мурманскдан олиб кўрсатилади. 18.05 «Горнчилар, қаердасиз?». 18.35 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига. К. Паустовский. «Жулдур шинелли чол». СССР халқ артисти А. Попов ўқийди. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Совет композиторларининг асарларидан эстрада концерти. 20.05 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». Кўрсатувда халқ депутатлари Рязань шаҳар Советн ижрокомининг раиси Н. П. Чумакова иштирок этади. 20.20 «Сарсонлик саргардонликда». Кўп серияли телевизон бадиий фильм. 3-серия. «Уруш» 21.30 «Время» информацион программаси. 22.00 Венгрия озод этилганлигининг 35 йиллигига бағишланган СССРда Венгрия маданияти кунларининг очилиши. Концерт Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.15) — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Лазер нима?» Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Жанг майдони, ҳаёт майдони». Телефильм. 12.30 «Лазер нима?» Физикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Тўрт танкчи ва ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия (рус.). 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Момақаймоқ». Мультфильм. 18.40 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига. Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин қадамжолари бўйлаб». 19.00 «Турмуш ва маданият». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Оқ йўл, сенга «Пахтакор». Футбол бўйича СССР 43-чемпионатининг очилиши олдидан. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.00 «Чигитни тез ва соз экайлик». 22.15 Киноленинномa. «Ленин Октябрда». Бадиий фильм (рус.).

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25. Эстетика асослари. «Ҳозирги замон буржуа реакцион санъати ва эстетикаси». (рус.). 21.05 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 22.05 «Социалистик мусобақа пешқадамлари».

3. АПРЕЛЬ. ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.35 «Сарсонлик саргардонликда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Уруш». 11.45 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув. Кўрсатув тугагач (12.30) —Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь—ва Узоқ Шарқ бўйлаб» Кинопрогарамма. 16.00 «Шахмат мактаби». Разрядлилар класси ўйин ўртасида. 16.30 Ўсмирлар учун музикали кечалар». 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономикани бошқариш». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Венгрия Халқ Республикаси қурувчилар касаба союзи халқ рақс ансамблининг концерти. 20.00 «Сарсонлик саргардонликда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. «Тўртовлон». 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Останкино концерт студиясида. Г. Эмин шеърияти кечаси. Танаффус пайтида (23.05) —«Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун фильм. «Асфальт йўлидаги пойқадамлар». 11.40 И. Акбаров, Т. Тўла. «Зебиэебона». Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театрининг спектакли (такрорий). 13.30 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг йўқламаси (рус.). 14.00 «Шеърият мухлисларига». М. Ҳайдар. 14.15 «Тўрт танкчи ва ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия (рус.). 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Жасур йигитлар». Мультфильм. «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.30 «Сенинг замондошинг» 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор»—«Динамо» (Москва) «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Ахборот» информацион программаси (рус.). 20.50 «Ахборот» информацион программаси. 21.10 «Дилларда баҳор» Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Ноз-неъмат бунёдкори». Сабзавоткорлар учун кўрсатув. 22.25 Ғалабанинг 35 йиллигига. М. Богучаров. «Беозор қариялар». Телеспектакль премьераси. 1-қисм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Жиноят ҳуқуқи (рус.). 20.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 21.55 «Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг» (рус.). 22.25 Адабиёт. «Ҳозирги замон шеъриятининг саҳифалари».

4. АПРЕЛЬ. ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Ўсмирлар ижоди». 10.35 «Сарсонлик саргардонликда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. «Тўртовлон». 12.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Некрасов раҳбарлигидаги рус халқ чолғу академик оркестрининг концерти. Концерт тугагач (12.35)—Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. «Қадрдон дала» (Минск). «Қайтиш» (Ашхобод). 16.15 «Рус тили». 16.45 Сенегалнинг миллий байрами. Мустақиллик кунига Сенегал миллий рақс ансамблининг концерти. 17.15 «Олтин шайба». клубининг соврини учун. Бутун иттифоқ мусобақаларининг финали. Воскресенскдан олиб кўрсатилади. 18.00 «Москва ва москваликлар». 18.30 «Венгрия бўйлаб». Кинопрограмма. 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». 20.00 Панама миллий фольклор ансамблининг концерти. 20.25 «Сарсонлик саргардонликда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. «Тор-мор». 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Останкино студиясида ёшлар кечаси». 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 «Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун фильмлар. «Кўзгу акси». «Девор». 12.00 М. Богучаров. «Беозор қариялар». Телеспектакль. 1-қисм. 13.30 «Тўрт танкчи ва ит». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7, 8-сериялар (рус.). 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қандай қилиб Жаконя вақтни зое кетказди». Мультфильм. 18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 19.10 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига. «Москва, Кремль, Ленинга» (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 Цирк программаси. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Концерт. 21.20 «Балхар оҳанглари». Телефильм. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Оламда нима гап?». Халқаро воқелар шарҳи. 22.35 М. Богучаров, «Беозор қариялар». Телеспектакль премьераси. 2-қисм. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Ўқитувчилар учун консультация. 20.55 Абитуриентлар учун математика. 21.55 «Беш йилликнинг зарбдор вахтасида» (рус.). 22.25 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари Жиноят ҳуқуқи».

5. АПРЕЛЬ. ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.00 «Сарсонлик саргардонликда. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. «Тор-мор». 11.05 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.35 Совет қўшиқларидан концерт. 12.00 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». «Ренато Гуттузо». 12.50 «Спортлото» тиражи. 13.00 «Сиз бунга қодирсиз». 13.50 «Халқ асбобларининг овози». Баян. 14.45 «Биз ва сиз учун уйлар» Москва шаҳри комплекс қурилишининг янги методи ҳақида 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 Болалар учун. «Ёз кунларидан бирида». Бадиий фильм. 16.25 «Эртанги кун келади». Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. С. Мальцев ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 17.15 Халқ оҳанглари. 17.30 «Ҳайвонат оламида». Кўрсатувни Н. Н. Дроздов олиб боради. 18.30. Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетовнинг чиқиши. 19.00 «Олимпиада характери». Мультфильм. 19.10 «Сандино ери». Телевизион ҳужжатли фильм. премьераси. Никарагуада халқ революциясининг ғалабаси ҳақида. Автор — сиёсий шарҳловчи Л. Новиков 20.10 А. Эшпайнинг «Ангара» балетидан адажио. 20.15 Венгрия Халқ республикаси телевидениесининг Венгрияни фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 35 йиллигига бағишланган программаси. 1. ВСИП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ВХР Президиумининг раиси ўртоқ П. Лошонци интервьюси. П. Венгрия панорамаси. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Бенефис» РСФСР халқ артисти Т. Доронина иштирок этади. Кўрсатув тугагач (24.05) Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 10.35 «Эҳ, аттанг». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли (такрорий) 11.20 «Ўзбекистон Олимпиада йилида». Спорт кўрсатуви. 11.50 Мактаб ўқувчилари учун «Светофор» (такрорий). 12.50 Тошкент 1-таксомотор парки хорининг концерти. 13.20. М. Богучаров. «Беозор қариялар». Телеспектакль. 2-қисм. 14.55 «Мактабгача ёшдаги бола ва мактаб» (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Санъат байрами» Мактаб ўқувчилари республика кўрик-конкурсининг якунловчи концерти. Я. М. Свердлов номли концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Кино оламида» 20.30» «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. Санъат саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Замонамиз қаҳрамонлари» Абдусаттор Сулаймонов. 22.20 Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. (давоми). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси.

17.15 Кўрсатувлар программаси. 17.20 «Терговчи ва ўрмон» Бадиий фильм (рус.). 19.00 Мактаб ўқувчилари учун «Гулхан» (рус.). 19.30 «Новости» информацион программаси. (рус.). 19.45 «Дугонаҳо» Телевизион клуб. 20.30 «Ахбор». информацион программаси. 20.55 Концерт. 21.30 Москва «Время» информацион программаси. 20.05 «Бизнинг шарх» Сиёсий шарҳловчилар суҳбати (тожик тилида). 22.40 Душанба кўрсатувларининг охири.

6 АПРЕЛЬ. ЯКШАНБА

ГЕОЛОГЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 «Зарядкага сафланинг!» 10.10 Харьков электромеханика заводи Маданият саройи «Квитка» ансамблининг концерти. 10.25 «Будильник» 10.55 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 11.55 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.40 «Тонги почта». Музикали программа. 13.10 «Бугун — Геологлар куни». Кўрсатувда Ленин мукофотининг лауреати, техника фанлари доктори, гелогия министри Е. А. Козловский иштирок этади. 13.25 «Қишлоқ янгиликлари». 14.25 «Музикали киоск». 14.55 «Қолган бутун умр мобайнида» Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.10 «Киносаёҳатчилар клуби». 17.10 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига «Ленин ҳузурига, Кремлга». Кўп серияли телевизон ҳужжатли фильм. «Биринчи учрашув». «Ишлашни ўрганиш керак». (Экран). 18.10 «Халқаро панорама». 18.55 «Мамуре» ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор— Ж. Сарман. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Хатларингиз асосида» Геологлар кунига бағишланган музикали программа. 22.50 «Мўъжизасиз-мўъжизалар» Киноилова. Кўрсатув тугагач (23.30) —Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

II

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Ассалом, наврўз» Музикали программа (такрорий). 11.30 «СССР халқ рассоми» М. Сарьян. Туғилган куннинг 100 йиллигига. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун «Қувноқ стартлар». 13.00 Геологлар кунига «Яшин тутган суворий». Бадиий фильм. 14.15 Кинопублицист экрани (рус.). 15.20 «Шахмат мактаби». 15.50 Жаҳон саломатлиги кунига «Сиҳат-саломатлик» илмий-оммабоп программа.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун «Бойчечак». 18.35 «Бугун —Геологлар куни». 19.05 Ҳ. Олимжон туғилган куннинг 70 йиллигига. «Роксананинг кўз ёшлари». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 А. Навоий номли Наманган музикали драма ва комедия театри солистларининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 А. Навоий номли Наманган музикали драма ва комедия театри солистларининг концерти (давоми). 21.30 Москва «Время» информацион программаси. 22.05 «Ўзбекистон, 80-йил қўшиқлари» Эстрада қўшиқларининг телевизион конкурси. (рус.). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси.

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Экран—болаларга 16.15 «Қирғизфильм» студияси кўрсатади». «Окийир». Киноочерк. 16.35 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига. «Биринчи курьер». Бадиий фильм. 17.55 «Дўстлик адреслари». Ёшлар учун кўрсатув. 18.15 «Новинка» киноклуби. 19.50 Бугун—Геологлар куни. «Хазина изловчилар» 20.20 Геологлар учун концерт. 20.50 «Замандашим-сирдашим». Ж. Турусбенов. 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 30/III да **Истеҳком** (12.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/III да **Кулги кечаси** (19.30). 30/III да **Тошкентнинг нозанин маликаси** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/III да **Отасининг қизи** (12.00, 15.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **ўқувчиларнинг баҳорги каникул кунларида «ШЕРЛАР ОРАСИДА» аттракциони иштирокида «Чебурашка ва тимсоҳ Генанинг цирк-даги ғаройиб саргузаштлари»— болалар учун қувноқ томошалар** (11.00, 14.00, 17.30).

КИНО

29 МАРТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЙГА ҲОКИМИ ИЗИДАН» — **Дружба** (20.45 жавоб берувчи автомат 66-15-75), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«ХОТИН КЕТДИ»— **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ЁЗНИНГ УЧ МИНУТИ» —**Лисунов номли** (20.00).

30 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЧОР САМОДЕРЖАВИЕСИГА ҲУЖУМ»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«АКА-УКА КОКАРЕЛАР» — **Москва.**

«ҚИЗИЛ ЮЛДУЗЛИ ЁШЛИК»— **Пионер.**

«МАЯКОВСКИЙ НОМЛИ ТЕАТР» — **Восток.**

КИНОЛЕНИННОМА ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР:

«ЛЕНИН ВА КРУПСКАЯ» — **Искра** (19.45).

«ДИВИЗИЯ БОШЛИҒИ АЛЕКСАНДР ПАРХОМЕНКО» —**Искра** (14.00).

«ЛЕНИН» (Биографиясидан саҳифалар)—**Фестиваль** (11.00).

«ЛЕНИНГРАД ШАҲРИДАГИ ЛЕНИН БЎЛГАН ЖОЙЛАР» — **Навоий номли** (14.00).

«ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН — **Дружба** (21.00).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЙГА ҲОКИМИ ИЗИДАН» — **Дружба** (11, 12, 20.45, жавоб берувчи автомат 66-15-75), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«ХОТИН КЕТДИ»— **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«УЧ МИНУТЛИ ПАРВОЗ» — **Лисунов номли** (11, 14, 15, 20.00).

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

28, 29 ва 30 МАРТ СОАТ 20.00 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти
Ҳабиба ОХУНОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Камолиддин РАҲИМОВ, Ўринбой НУРАЛИЕВ, Маҳмуджон ИСОМИДДИНОВ.

Солистлар: Турдиали САЙДУЛЛАЕВ. Баҳодир БАКИРОВ, Турсуной МАМЕДОВА, Мавлуда ҲОЖИЕВА, Лазокат РЎЗМЕТОВА, Карима РАСУЛОВА, Носир ЗОКИРОВ.

Рақкосалар: Мавлуда НИЗОМОВА, Альфия АСАНОВА, Людмила МАКСИМЧА, Кимёхон РЎЗМЕТОВА.

ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК

«ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Гулсара ЁҚУБОВА

Солистлар: Аҳмаджон ШАРИПОВ, Асқарали ҲИДИРОВ, Олмагул СУЙЕРБОЕВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ. Валентина ПАШКОВА, Урбугул СУЙЕРБОЕВА, Мавжудахон БАҲРИЕВА, Клара ХЎЖАЕВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани —Ўғилой ИБОДУЛЛАЕВА **олиб боради.**

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар РАҲИМОВА.

Ансамблнинг балетмейстери— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Равшаной ШАРИПОВА.

Музика раҳбари— Нажот ТЎРАХЎЖАЕВ.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

3—20 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

Ленинград давлат муз устида балетининг

ТОМОШАЛАРИ



ҚАТНАШАДИЛАР:

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ СОЛИСТЛАРИ:

XI Олимпиада ўйинларининг ва жаҳон, Европа биринчиликларининг кумуш медаль совриндори, халқаро классдаги спорт мастери

Людмила СМИРНОВА

XI Олимпиада ўйинлари чемпиони, Жаҳон ва Европа биринчиликларининг тўрт марта чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

Алексей УЛАНОВ

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар:

Лариса ЛИТВИНЕНКО ва Ирина ФИЛИППОВА.

Томошалар соат 19.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 15.00 ва 19.00 да бошланади.

Шанба ва якшанба кунлари спектакль тугашига шаҳар транспортининг ҳамма турлари спорт зали олдига томошабинларни ташиш учун берилади.

Билетлар спорт зали, Свердлов номли концерт зали ва бошқа театрларнинг кассаларида ҳамда район кассирлари томонидан сотилади.

46-07-52, 46-03-12 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

29 МАРТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.35 «Капитан Врунгелнинг саргузашти». Кўп серияли мультфильм премьераси. 13-серия. 18.45. «9-студия» Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 19.45 «Қўшиқ ҳамиша бизга ҳамроҳ». Бутуниттифоқ телевизион конкурси лауреатлари ва дипломантларининг концерти. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Бутуниттифоқ конкурси лауреатлари ва дипломантларининг концертининг давоми. Концерт тугагач (23.25.) — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I.

19.45. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси VI халқаро Тошкент кинофестивалига. «Африка киносанъати». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Эргашева рақсга тушади. 21.30. Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Замонамиз қаҳрамонлари». Шамси Назаров. 22.20. «Ўзбекистон куйлагай». Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективлари телевизион фестивали ғолибларининг якунловчи концерти. 1-бўлим. (такрорий). 00.20 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.10 «Пионер студияси». 18.30 «Новости» информацион программаси. 18.45 Москва. «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 19.45. «Киноэкран янгиликлари». 20.30. «Ахбор» информацион программаси. 20.50 «Чашма». Халқ ижодиёти клуби. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

30 МАРТ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 «Будильник». 10.10 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.10 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 11.55. «Тонгги почта». Музикали программа. 12.35 «Қишлоқ янгиликлари». «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари».Грузия ССР Абаш районидаги «Суджуна» совхозининг иш тажрибасидан. 13.35 «Музикали киоск». Кўрсатувни Э. Беллева олиб боради. 14.05 «Мангу даъват». Кўп серилли телевизион бадиий фильм. 12-серия. 15.25 «Ўтмиш ва келажак ўртасида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. (Ҳозирги замон милитаризми ҳақида).

16.25 «Москоу ньюс» газетасининг соврини учун спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақалар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг спорт саройидан олиб кўрсатилади. 16.55 «Хатларингиз асосида». Музикали программа. 17.40 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.40. «Халқаро панорама». 19.25 «Кўшиқ инсон билан қолади». 20.10 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 20.25 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига. «Петроград. Ўн еттинчи йилнинг октябри...» 2-фильм. «Биз янги дунёни қурамиз». 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Балет ҳақида». СССР халқ артисти И. Колпакова. 23.10 «Москоу ньюс» газетасининг соврини учун спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақалар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач (23.55).— Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 О. Хотамов ижросида ўзбек классик қўшиқлари. 10.50 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги». 11.30 «Онамларнинг мактаби». 12.00 Мактаб ўқувчилари учун «Кувноқ стартлар». 13.00 Болалар учун телеспектакль. Л. Устинов. «Севгисиз шаҳар». 2-қисм. 13.50 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Синюшканинг қудуғи». «Қора товуқ». Мультфильмлар программаси. 19.00 Болалар учун. «Ўйлаб топ». (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 Цирк программаси. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Даврони соз». Лирик концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Ўзбекистон куйлагай». Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективлари телевизион фестивали ғолибларининг якунловчи концерти. 2-бўлим (такрорий). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.20 Кўрсатувлар программаси. 16.25 «Экран — болаларга». 16.35 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига «1917 йилнинг июли». Хроникал-ҳужжатли фильм. 16.55 «Озарбайжон эстрадаси». Фильм-концерт. 17.20 «Оммавий спорт мамлакати» туркумидан телефильм. 17.55. Спорт аренаси. 18.40 «Коррида» Ж. Лондоннинг «Жон Хорнетнинг телбалиги» ҳикояси мотивлари асосида телепостановка. 19.30 «Ер ва эл». Калинин районидаги «Новий путь» колхози меҳнаткашларининг ҳаёти ҳақида телеҳикоя. 20.00 Қирғиз санъатининг арбоблари». Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Усумбеков (қирғиз тилида). 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

4 бет
ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент —ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

29 МАРТ, 1980 й. Р. 07157. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2004. 10